



# ЎШОНСЕН

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

1999 йил 8 сентябр, чоршанба № 126 (773)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

Тошкент шаҳар ҳокимилиги мамлакатимиз мустақиллигининг саккиз йиллиги ва «Аёллар йили»га бағишлаб шаҳар хотин-қизлар кўмитаси ва «Наврўз» хайрия жамғармаси ташаббуси ва ҳомийлигида пойтахтимизда яшовчи кам таъминланган оилалардан 9 жуфт ёшларнинг никоҳ тўйини ўтказди.

Тўй тантаналари ёш келин-куёвларнинг Хотира ва қадрлаш майдонидagi Мотамсаро она ҳайкали пойига гуллар қўйиш билан бошланди. Шундан сўнг «Наврўз» савдо ишлаб чиқариш мажмуида келин-куёвларга никоҳ гувоҳнома-лари топширилди.

Санъаткорларнинг шўх куй ва қўшиқлари кечага алоҳида завоқ ва шавқ бахш этди.

Бош вазир ўринбосари, Республика хотин-қизлар кўмитасининг раиси Д.Фулмова келин-куёвларни висол оқшоми билан самимий табриклар билан сиз ҳаёт-саломаатлик ва оилавий бахт-саодат тиллади.

Келин-куёвларга Ўртбошимизнинг «Ўзбекистон буюк келажак сари» китоби, шунингдек, Тошкент шаҳар ҳокимилиги ва «Наврўз» хайрия жамғармасининг совғалари топширилди.

Л.СУВОНОВ,  
ЎЗА мухбири

**Ватан тушунчаси муқаддасдир. Бунга чуқур ҳис қилмоқ жоиз. Хурлик ва фаровонлик бебаҳо неъмат ва улкан бахт эканини айниқса бугун барча англамоғи лозим. Ватаннинг қадрига етмоқлик, уни севмоқлик, эрки ва тинчлигини сақламоқлик, кўз-қорачиқдай асрамоқликка шу тупроққа қиндик қони тўкилган ҳар бир инсон бурчлидир. Юртга муҳаббат қишининг виждону иймонидан туғилади. Қалбида Ватан туйғуси жўш урган киши ҳеч қачон ўз юртини оёқости қилмайди.**

**Илк бор юртимиз узра истиқлол туғи хилпиратган чоғда барчамизнинг бошимиз осмонга етган эди. Мустақил бўлганимизни бутун жаҳон эшитди ва мустақил давлат сифатида тан олди. Бу воқеадан чет давлатларда истиқомат қилаётган ватандошларимизнинг ҳам кўзлари севинч ёшларига тўлган рост. Чунки, Ватан қадрини мусофирликда яшаб юрганлар айниқса чуқурроқ ҳис қилади. Ўзбекистон мустақилликка эришган, дунёнинг турли бурчқларида яшаётган ўзбеклар Ватанини зиёрат қилиш, ота юрт жамолини кўриш ниятида республикамизга ташриф буюрди. Тўғилиб ўсган тупроқда овоз ва хур яшаш бахтини ато этгани учун Оллоҳга шукроналар айтишди. Орадан саккиз йил вақт ўтибдики, юртимиздан хоржилик ватандошларимизнинг қадами ўзилмайди.**

**Шу кунларда Саудия Арабистонидан ташриф буюрган бир гуруҳ ватандошларимиз пойтахтда меҳмон бўлиб турибди. ЎЗА мухбири уларнинг айримлари билан суҳбатда бўлди.**

## ВАТАН САЖДАГОҲ КАБИ МУҚАДДАС...

**Абдулбоқий Мухаммад Рўзи:**

Авалло, Яратганга беҳад ҳамду санолат бўлсинки, Ўзбекистондек жаннатомон юртимизга қадим раҳимда қилиб, соғинчларимизни шу ерда яшаётган ёру биродарларимиз билан бирга баҳам кўриб турибмиз. Мен Ўзбекистонга бешинчи бор келишим. Ҳар келганимда юрагим севинчдан хапқириб кетади, ўзимни бахтиёр ҳис қиламан. Ватанимнинг йилдан-йилга, кундан-кунга гўзаллашиб бораётганининг гувоҳи бўламан. Очиғи, бу сафар Тошкентни таниёлмай қолдим. Икки йил аввалгига қараганда у янада чирай оцган. Юртдошларим билан мулоқотда бўлиб шунга амин бўлдими, кўпчилик бугунги фаровон турмушдан хурсанд, ҳукуматдан миннатдор. Бу Истиқлолнинг шарофатидан. Унинг қадрига етмоғимиз даркор. Истиқлол бу юртининг мусулмонларига дин ва эътиқод эркинлигини қайтариб берди. Президент Исрол Каримов бошчилигидаги ҳукуматнинг оқилона сиёсати тўғрисида Ватанимиз дадил тараққий этиб бормоқда.

Аммо, шундай ажойиб бир фаровонликни кўролмаётган, тинчликнинг қадрига етмаётган, ўз халқи ва юртига хоинлик қилаётганлар ҳам бор эканки, уларнинг хатти-ҳаракатларини биз қаттиқ гажаб ва нафрат билан қарши олдик. Тошкентдек азим шаҳарда юз берган портлашни эшитиб вужудимиз ларзага келган эди. «Феврал воқеалари» кўрсатуви ҳам қурдик. Халқ сайлаб қўйган Президент ҳаётига таъвоуз қилиш - катта жиноят. Бегуноҳ кишилар қурбон бўлгани юракни эзади.

Бировнинг ҳаётига қасддан зомин бўлиш кечириб бўлмас гуноҳдир. Одам ўлдириш ҳеч бир динда оқланган эмас. Шу ишларни амалга оширганларнинг барчасини охираги кўйди. Улар ўзларини ислом дини учун хизмат қилганимиз, деб ўйлаш ва ўзларини ҳақ деб ҳисоблаш қабохатдан бошқа нарса эмас.

Худди шундай, Қирғизистон жанубида юз берётган воқеалар ҳам ачинарлидир. Бир гуруҳ турли миллатга мансуб жангарилар қўлига қурол олиб, тинч яшаётган одамлар ҳаётини бузиши, ўзларини мужоҳид деб эълон этиши аслида муқаддас давлат эшик мутлақо ёт ҳаракатдир. Бундай ҳаракатлар гофил ва жоҳил кимсаларнинг ишидир. Улар ўзларини «жиҳод» эълон қилдилару, аммо жиҳоднинг ўзи нима эканини билмайдилар. Жиҳод аввало инсоннинг ўз-ўзини қасф қилишга, қалбини поклашга қаратади. Жиҳод инсоннинг ўз нафсига қарши очилган қурашдир. Уни зинҳор бировнинг ҳаётига суиқасд қилиб, зўрлик ва қон тўкиш орқали исломга даъват этиш деб тушунмаслик керак.

Шарқда Самарқандни рўйи заминнинг сайқали, Бухорони эса исломнинг ўчоғи, деб тан олиши бежиз эмас ахир. Мустақилликдан сўнг Ўзбекистонда қанчалаб масжиду мадрасалар қурилди. Одамлар саждага бош қўйиб тинчгина, хотиржам намоз ўқуш, ҳаж аҳкомларини бажариш имконига эга бўлди. Ватанимизда ҳозир ҳам қўлаб етук дин уламолари бор. Улар ўзгаларнинг ўрнатиши ва ўқитишларига муҳтож эмас. Боткентда тинч аҳолини, одамларни гаровга олган террорчилар исломий давлат қурамади, дейди. Аслида уларнинг, улар ортида турган

«ҳомий»ларнинг мақсади бутунлай бошқа. Турли миллатга мансуб бу кимсаларнинг бирови мансаб ва адоватнинг, пулни қўлига айланган, бошқалари эса геосиёсий манфаатни кўлаб шу қабиҳ ишга қўл урган. Уларнинг қилаётган ишлари турган-битгани жаҳолат. Қўлга қурол олиб, одам ўлдириш, тинч яшаётган халқлар иродасига қарши чиқиш мусулмончиликка, иймонга зид. Бундай қуфр йўлга кирганларни, бегуноҳ одамларнинг қонига қўл ботирганларни Худо ҳам, бандаси ҳам кечирмайди. Уша жангарилар шунини тушуниб олсин. Токи ўз йўлидан қайтмас ва тавба қилмас экан, Оллоҳ улардан юз ўгирадиди. Оллоҳ юз ўгирди, демек, улар дўзахийдир. Чунки Ватан саждагоҳ каби муқаддас, деган гап бежиз айтилмаган.

**Мухаммадамин Мухаммаднизо:**

Ватаним, ватандошларим билан дийдор кўришиб турганимдан ниҳоятда хурсандман. Бу ердаги ўзгаришларни кўриб, қалбимиз бир олам севинчга тўлди. Биз Ўзбекистондан олган таассуротларимизни қайтиб борғач, албатта Саудиядаги ватандошларимизга сўзлаб берамиз. Улар Ватанимиздаги ўзгаришлардан, муҳтарам Президент Исрол Каримов жанобларининг юритаётган сиёсатидан воқиф бўладим.

Ўзбекистонда Исрол университетини ташкил этилгани бизни кўп қувонтирди. Зеро, юртимизда азалдан ислом дини шаклланиб келганики, буюк улаомларимиз яратиб кетган маърифат денгизи ўзгаларнинг даъватига муҳтож бўлмаган тарзда ўз юртимизда дин ва эътиқодимизни ўзимиз тиклаймиш, деган ишонч уйғотди. Чунки, шунга яраша замин бор, бебаҳо тарихимиз бор. Президент жанобларини Исрол университетини ташкил этиб кўп хайрли иш қилдилар. Бу узокни кўзлаб қилинган оқилона иш, деб ўйлайман. Исрол дини одамларни аҳил бўлиб яшашга чақирди. Ҳамжихатлик, меҳр ва оқибат мусулмончиликнинг асоси ҳисобланади. Шунинг учун, Боткентда, Тожикистон Афғонистонда ўзгаларнинг ногорасига ўйнаб юрган, билиб-билмай жиноят йўлига кириб қолганларга қарата, эй мусулмонлар, келинглар, курул-яроғни йиғиштириб, иттифоқ бўлиб яшайлик, ахир Ватанимизни шунинг учун овоз, мустақил қиришни истаяган эдик-ку, оғзимиз оша етганда бурнимизни қонатишга не ҳолат, дегим келади.

(ЎЗА)



## КУН ТАРТИБИДА: САЙЛОВГА ТАЙЁРГАРЛИК

**Халқ депутатлари Қашқадарё вилоят Кенгашининг сессияси бўлиб ўтди. Унда бўлажак сайловларга тайёргарлик масалалари муҳокама этилди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентлигига сайлов ўтказувчи 13-Қашқадарё округи сайлов комиссиясига номзодлар кўрсатилди. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов округлар сайлов комиссияси таркиби тасдиқланди.**

**Термизда халқ депутатлари Сурхондарё вилоят Кенгашининг сессияси бўлиб ўтди. Уни вилоят ҳокими Ж.Норалиев олиб борди. Сессияда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов ўтказувчи округ сайлов комиссиялари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентлигига сайлов ўтказувчи 9-Сурхондарё округ сайлов комиссияси таркибини тузиш масалалари кўрилди.**

**Шунингдек, сессияда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов ўтказувчи округлар ва Ўзбекистон Республикаси Президентлигига сайлов ўтказувчи 9-Сурхондарё округ сайлов комиссияларига номзодлар қўрсатилди. Тегишли қарорлар қабул қилинди.**

(ЎЗА)

## ЁШ КЕЛИН-КУЁВЛАР ВИСОЛ КЕЧАСИ



Ба қозони имконияти кўпроқ. Бу муҳолифатга ёқмайди, албатта. Муҳолифлар, сайловда мағлубиятга учраса, кейин бор обрў ва таъсир доирасидан маҳрум бўлмаслик учун ўз қиличини вақтинча яшириб туришига қарор қилган бўлса, не ажаб. Бунга, халқона қилиб айтганда, пайт пойлаш дейиш мумкин. Яъни, муҳолифат ҳокимият тепасига келса - тузуқ, лекин имконият қўлдан кетса, нима бўлади? Ҳар эҳтимолга қарши кучни сақлаб туриш керак. Зарур бўлса, яна қуролли кураш давом этти-

доралар фаолиятининг бир-бирига мувофиқлаштирилмагани, бу идоралар раҳбарларининг ортиқча хотиржамлиги олдини олиш мумкин бўлган дардини кучайтириб юборди. Мамлакат ҳукумати айрим вакиллари бу террорчилар четдан кириб олган, Қирғизистоннинг уларга алоқаси йўқ, деган гапларини ҳам тушуниш қийин. Ақидапарастлик, террор, айирмачилик сингари оғдатлар бир давлат билан чегараланиб қолмаслигини улар гўёки билмайди. Бир давлатга келган ҳавф умум-

лан таъминламайди. Боткентдаги жангарилар тўда-тўда бўлиб тоғлар орасида юрган бўлишига қарамай, уларнинг хатти-ҳаракатлари четдан бошқарилиб, мувофиқлаштирилиб турибди.

Шундай экан, дунёнинг турли бурчқларида бўлаётган воқеаларни жамоатчиликка ҳолис етказиш имконига эга бўлган салоҳиятга оммавий ахборот воситалари нега бу ҳақда босиб урмайди? Боткентдаги воқеалар замирида фақатгина биз яшаётган минтақа учун эмас, олисдаги давлатларга ҳам жиддий ҳавф ётганини улар билмасмикан? Ҳар бир оммавий ахборот воситаси воқеаларга бирор ташкилот ёки давлат манфаатлари нуқтаи назаридан келиб чиққан ҳолда ёндошиши бор гап. Бу тушунарли. Лекин, гап халқроқ террор, ақидапарастлик ҳақида кетганда, ҳамманинг манфаати бир бўлиши ёндош чикармаслик, яъни ҳолислик билан умуминсоний ва умумжаҳоний манфаатлар умулқиссан назаридан келиб чиққан ҳолда ушбу масалага ёндошиш мақсадаги мувофиқ бўлур эди.

## БОТКЕНТ ВОҚЕАЛАРИ: ТАЖОВУЗДАН КЎЗЛАНГАН МАҚСАД НИМА?

рилади. Бунга куч етати. Чунки, айрим хабарларга қара, Бирлашган тожик муҳолифатининг Афғонистондаги «Толибон» ҳаракати, бошқа давлатлардаги диний-экстремистик ташкилот ва оқимлар, террорчилик марказлари билан алоқалари бор. Яъни, жанг учун дастак етарли.

Айнан ана шу писиб ётган халқроқ террорчилар оғи бошларидека Боткентга ўтди. Натияжада Қирғизистонда ҳам қўрувчилик ҳаракатлари амалга оширила бошлади. Маҳаллий аҳоли вакиллари, ички ишлар вазирлиги ходимлари, ички қўшнилар қўмондониди ва хатто турт нафар хорижий фуқаро гаровга олинди. Бу воқеа шунчаки террорчилик бўлганида, гаровга олинганлар маълум миқдордаги пул эвазига ёки бирор бошқа шарт билан озод этилар эди. Лекин босқинчилар уларни озод қилишни уйлаётгани ҳам йўқ. Чунки, улар гаровда одам ушлаб турар экан, ҳукумат армияси қатъий ҳужумга ўтмайди. Яна бир томони, жангарилардан бирортаси асирга тушиб қолса, уни гаровдагиларни озод қилиш эвазига қайтариб олиш мумкин. Шундай қилиб, Тожикистонга сийма қолган террорчилар энди Қирғизистондан қўнмон топди. Улар, чамаси, Бирлашган тожик муҳолифатидан янги курсатма келмагунча шу ерда писиб ётаверадилар.

Минтақавий ҳавфга айланган гўёки беҳабар. Ўз хатосини рўйи-рост тан олиш ва вазиятни ўнглаш ўрнига, мамлакатда қўрувчилик тинч аҳолини гаровга олиб турган бир шароитда «бундан ташвишга тушман» дея бепарволик билан бошқа, таъбир жоиз бўлса, иккинчи даражали ишлар билан шуғулланиши қандай тушуниш мумкин?

Қирғизистонда вазият шундай эдики, ўзини «демократия ороли» деб эълон қилиб, баландпарвоз гапларга берилиб кетган давлат ўз чегараларини қўриқлаш, демакки, мустақиллигини дахлсиз тутишига ҳам қодир эмасди. Тожикистон билан чегарани фақат харитада кўриш мумкин эди. Қўшни давлатдаги танг вазиятни қўра туриб, унинг осон тарқалиши ҳавфи борлигини била туриб жойларда назорат постлари ташкил этмаслик бепарволикдан ўзга нарса эмас. Бу бепарволик шу даражада эдики, босқинчилар мамлакат худудига кириб истаган ишнинг қилиб юрган дастлабки вақтларда ҳам уларга «кимсан» дейдиган бўлмади.

Шу ўринда хориждаги айрим оммавий ахборот воситаларининг фаолиятига ҳам тўхталыш зарур. Халқроқ террор ва ақидапарастликдан жабр қурмаган давлатнинг ўзи йўқлигини билган ҳолда, улар Боткент воқеаларини бир томонлама шарҳламоқда. Бунга хабарларнинг қўпчилигида қўрувчилик қўроқ қайси миллатга мансуб эканлиги ҳақида гап боришидан билса бўлади. Ваҳоланки, булар олдий босқинчи эмас, балки минтақада уруш оловини ёқиб, бутун Марказий Осиё мамлакатларида конституциявий тузумни ағдариш, шарият қонунларига мос исломий давлат қуришга қаратилган катта стратегиянинг қичик-қичик тактик йўналишларини амалга оширишнинг нопок, бузғунчи экстремист тудаларидир. Олдий террорчилар ҳеч қим сунъий йўлдошли алоқа воситалари, замонавий қурол-аслаҳа ва ўқ-дори би-

рилади. Бунга куч етати. Чунки, айрим хабарларга қара, Бирлашган тожик муҳолифатининг Афғонистондаги «Толибон» ҳаракати, бошқа давлатлардаги диний-экстремистик ташкилот ва оқимлар, террорчилик марказлари билан алоқалари бор. Яъни, жанг учун дастак етарли.

Айнан ана шу писиб ётган халқроқ террорчилар оғи бошларидека Боткентга ўтди. Натияжада Қирғизистонда ҳам қўрувчилик ҳаракатлари амалга оширила бошлади. Маҳаллий аҳоли вакиллари, ички ишлар вазирлиги ходимлари, ички қўшнилар қўмондониди ва хатто турт нафар хорижий фуқаро гаровга олинди. Бу воқеа шунчаки террорчилик бўлганида, гаровга олинганлар маълум миқдордаги пул эвазига ёки бирор бошқа шарт билан озод этилар эди. Лекин босқинчилар уларни озод қилишни уйлаётгани ҳам йўқ. Чунки, улар гаровда одам ушлаб турар экан, ҳукумат армияси қатъий ҳужумга ўтмайди. Яна бир томони, жангарилардан бирортаси асирга тушиб қолса, уни гаровдагиларни озод қилиш эвазига қайтариб олиш мумкин. Шундай қилиб, Тожикистонга сийма қолган террорчилар энди Қирғизистондан қўнмон топди. Улар, чамаси, Бирлашган тожик муҳолифатидан янги курсатма келмагунча шу ерда писиб ётаверадилар.

Масаланинг яна бир жиҳати одамни уйлантиради. Халқроқ қўрувчилик биринчи бор август оғи бошларидека Қирғизистондаги маҳаллий аҳоли вакилларига ҳужум уюштирган, бир неча кишини гаровга олган эди. Орадан 17 кун ўтиб, яъни 21-22 августга келинганида, турт нафар жанг уларнинг қўлига тушди. Ваҳоланки, орадан ўтган вақт мобайнида Боткентдаги маҳаллий аҳолини, хорижийларни оғохлантириб қўйиш, уларни бу худуддан олиб чиқиб, ҳавфсизлигини таъминлаш ҳамда босқинчиларга қарши чора қўриш мумкин эди. Қирғизистондаги тегишли

Анвар БОБОЕВ,  
ЎЗА шарҳловчиси.

## ЎЗБЕКИСТОНДА ЯПОНИЯ МАДАНИЯТИ КУНЛАРИ БОШЛАНДИ

Пойтахтдаги Амалий санъат музейида Ўзбекистонда Япония маданияти кунларининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди.

Маросимни Япониянинг Ўзбекистондаги Факултетида ва мухтор элчиси Киоко Накаяма хоним кириш сўзи билан очди.

Япония маданияти кунлари Ўзбекистонда учинчи бор ўтказилмоқда, - деди жумладан элчи.

Ўйлайманки, қарийб бир ой давом этадиган бу тадбир орқали ўзбек халқи япон маданияти турғи-сидига ўз тасаввурини янада бойити. Ўз навбатида, маданият ва санъат билан танишув икки халқ ўртасидаги дўстлик ришталарини янада мустаҳкамлайди. Ушбу тадбирнинг ташкил этишда бизга кўмак берган Ўзбекистон ҳукуматига миннатдорлик изҳор этамиз.

Очилиш маросими тугагач, япон миллий маданиятидан намуна сифатида ошибана, яъни қуритилган гул баргларидан гўзал манзаралар тайёрлаш санъати намойиш этилди. Ушбу тадбирга ташриф буюрган меҳмонлар фақат японларгагина хос бўлган санъат асарларидан баҳраманд бўлди.

Шундай қилиб, юртимизда Япония маданияти кунлари бошланди. Бу са-

фар тадбир янада кенгроқ ва қизиқарлироқ ўтказилади. 2 октябрга қадар пойтахтнинг турли маданият муассасаларида икебана, оригами ҳамда миллий таом тайёрлаш санъатлари намойиш этилади, ўзбекистонликлар эътиборига япон кинофильмлари, мусиқасидан намуналар ҳавола қилинади.

(ЎЗА)

Газетхон илтимосига кўра

Дунёдаги ҳар бир мустақил давлатнинг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ва ҳуқуқий жиҳатдан тузилишини, фуқароларнинг ҳуқуқлари, бурчлари ва эркинликларини белгилаб берувчи асосий ҳуқуқий жиҳати унинг Конституциясидир. Шунга кўра Конституциянинг мазмунига, моҳиятига қараб, шу давлатнинг қанчалик ҳуқуқий, демократик давлат эканлигига баҳо берилади. Шу нуктадан назардан баҳоланган Республикаимизнинг 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган биринчи Конституцияси дунёдаги энг илғор демократик давлатларнинг Конституциясидан мутлақо қолишмайдиган ҳуқуқий ҳужжат бўлиб майдонга келди. Унда Республикаимизнинг мустақил, яъни суверен давлат эканлиги, ҳалқ ҳокимиятчилиги, қонуларнинг ўс-туворлиги тинч-тотувликка асосланган ташқи сиёсатимиз, инсон ва фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчлари, жамиятнинг иқтисодий негизлари, жамоат бирлашмалари, оила, оммавий ахборот воситалари, Республикаимизнинг маъмурий-ҳудудий ва давлат тузилиши, давлат ҳокимиятининг ташкил этилишини белгилаб берувчи асосий қондалар 6 бўлиб, 26 боб, 128-моддада баён этилган. Унинг ҳар бир моддаси алоҳида гуруҳни ташкил этадиган муносабатлари тартибга солиб турадиган асосий қондаларни белгилаб беради.

Шу қондаларга мувофиқ бошқа қонунлар ишлаб чиқиладиган ва қабул қилинади. Республикаимизнинг Олий Мажлиси томонидан шу кунга қадар қабул қилинган қонунларнинг ҳаммаси Конституциядаги мувофиқ тарзда қабул қилинди. Республикаимиз аҳолиси ўртасидаги ижтимоий, иқтисодий, ҳуқуқий, маънавий ва маъмурий муносабатлар қабул қилинган ана шу қонунлар билан батафсил ҳуқуқий тартибга солиб тузилади. Конституциямизда шунчалик чуқур мазмунга эга бўлган қондалар белгилангани Республикаимиз тобора ривожланиб, мустақиллик йўлидан олға борар экан, албатта янги-янги муносабатлар келиб чиқиши табиий, уларни тартибга солиб турувчи янги қонунлар қабул қилиниши муқаррар.

ХУСУСИЙ МУЛК ҲУҚУҚИ

давлат корхоналаридаги ва жамоат ташкилотларидаги меҳнатидан келган даромадларидан ташкил топади. Фуқароларнинг ёлланиб меҳнат қилиш ҳуқуқи Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси, Тадбиркорлик тўғрисидаги қонуни, Фуқаролик кодексининг 18-моддаси ва бошқа қонунларда белгилаб берилган. Шунингдек, кредит муассасаларга омонат қўйишдан оладиган даромадлари, акциялар ва бошқа қимматли қозғолардан, пай, улушлардан келадиган даромадлари ҳам тегишли, фуқаролик кодексининг 43-боби қондалари билан, Ўзбекистон Республикасининг қимматли қозғолар ва фонд биржалари, акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқлари ниҳоми қилиш тўғрисида, Ўзбекистон Республикасининг кооперативлар (ширкатлар) тўғрисидаги қонунлари билан белгилаб берилган. Мерос олиш фуқаролик кодексининг бешинчи бўлимидаги 1112-1157-моддалари, ҳада олиш эса 31-бобидан 502-511 моддалари билан тартибга солинади. Бундан ташқари, хусусий мулкнинг мулкдорларга ўтиши билан боғлиқ муносабатларни белгилаб берган бошқа қонунлар ва ҳуқуқий ҳужжатлар ҳам қабул қилинган. Бу борада давлат қарашли мулкларнинг бир қисмини хусусий шахсларга ўтказишда Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисидаги қонун муҳим ўринга эга. Бу қонунга мувофиқ муқаддам давлат қарашли бўлган маиший хизмат объектлари, савдо шохобчалари, давлат уй-жойлари ва бошқа бир қанча мол-мулклар хусусийлаштирилди.

Айниқса, хусусий мулкка доир қондалар Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик Кодексига алоҳида боб сифатида ажратилди. Унинг 207-моддасида белги-лангандек, хусусий мулк ҳуқуқи шахснинг қонун ҳужжатларида мувофиқ тарзда кўлга киритилган мол-мулкка эгаллик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш ҳуқуқидир. Хусусий мулк бўлган мол-мулкнинг миқдори ва қиймати чекланмайди. Бу қонундан шундай маъно аниқлашдики, энди ҳар бир фуқаро мулкдор бўлиб хусусий мулк соҳиб бўлишига, шу мулкни янада кўпайтиришига ҳақли. Қонун фуқаронинг ўз эга-

лигида бўлган хусусий мулкнинг миқдорини масалан, уй-жойнинг, уй-рўзгор ашёсининг, кийим-кечак, озиқ-овқат, чорва моли, транспорт воситасининг қанча бўлганлигини чекламайди. Ана шу ва шунга ўхшаш мулкларнинг қанча қийматга эга эканлиги ҳам қизиқтирмайди. Аксинча қонун хусусий мулкни ҳар қандай ғайриқонуний таъжовулардан қўриқлайди, мулкдорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилади, мулкдорларнинг кўпайишига шарт-шароит яратиб беради.

Лекин қонунда белгиланган тартибда мулк орттириш, бойлик тўплаш керак. Шундагина мулкдорнинг мулкни қонун билан қўриқланади.

Мулкдор солиқ тўланадиган фаолият билан шугулланиб бойлигини кўпайтириши лозим. Ҳеч бир шахсга ғайриқонуний йўл билан бойлик топиб мулкдор бўлишига имтиёз берилган эмас. Балки, аксинча, ғайриқонуний йўл билан бойлик орттиришга нисбатан қонунда тегишли тартибда жавобгарлик белгиланган.

Хусусий мулк соҳиблари мулкларини хоҳишича тасарруф қилишига ҳақли. Бу деган сўз мулк эгалари ўз мулкига мувофиқ ўз хоҳиши, истаги билан ўз мулкларини тўй-хашамларга, оилавий тантаналарга, маърака ва маросимларга сарф қила олади. Аммо бундай хатти-ҳаракатлар ким ўзарга, шухратпарастликка, кўз-кўз қилишга, ўзга шахсларнинг, яъни аτροφидида яшаётган одамларнинг ҳол-аҳволини инобатга олмаслик каби эскидан қолган асоратларга олиб келмаслиги керак.

Ана шу мақсадда Президентимизнинг 1998 йил 28 октябрда тўй-хашамлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимларни қолган удумларга мос, одоб-ахлоқ доирасида, атропоф яшаётган одамларнинг ҳам ҳурматига лойиқ бўладиган қилиб ўтказишни назарда тутган Фармони муҳим аҳамиятга эга бўлади.


Ушбу Фармонда айтиб ўтилганидек, давлат хизматидаги базви ўзини йўқотган, лавозимини суистеъмол қилаётган раҳбарлар, оёғи ердан узилган, манманликка берилиб кетган ҳаво мансабдорларнинг хатти-ҳаракатлари жойларда соғлом муҳит бўзилишига сабаб бўлмоқда. Бу оддий одамларнинг нафсониятига тегишда, уларнинг адолатга, умуман давлат ҳокимиятига ишончига зиён етказмоқда.

Ўтганларнинг хотирасига бағишланган маъракалари ҳам даб-дабали равишда ўтказилар ота-боболаримиздан миллий расм-русумларимизга путур етказиб, муқаддас аъналаримизни обрў-сизлантиришга олиб келмоқда.


Бундай интишларнинг носоглом мусобақага айлиниб кетиш ҳоллари дабдабали тўй-хашамларни ўтказишга қурб етмаган ор-номусли кишиларни оғир аҳволга туширмоқда.

Энг ачинарли томони шуки, бундай одатлар ёшларимиз тарбиясига салбий таъсир кўрсатмоқда, кенг жамоатчиликнинг ҳақли эътирозларига сабаб бўлмоқда. Бундан ҳар биримиз тегишли хулоса чиқармоғимиз лозим.

**Б.ИБРАТОВ,**  
юридик фанлари доктори.



Қарши шаҳрида қурилаётган маъмурий бинолар шахар кўрқига кўрк бўлиб турибди. Биргина ўтган йилда қатор маданий-маиший бинолар фойдаланишга топширилди. Мустақиллигимизнинг саккиз йиллиги байрами қунари фойдаланишга топширилган вилоят давлат солиқ кўмитаси биноси шахардаги энг кўркем бинолардан биридир.



Шаҳарнинг эски майдон қисмидаги театр биноси қайтадан таъмирланди. Бинокорлар жило берган бу кўркем бино архитектуранинг энг сўнги ютуқлари асосида барпо этилган.

Узоқ БОКИБЕВ чизган суратлар.

ОРОМГОҲДА ЧОРВАЧИЛИК ФЕРМАСИ

Ёз мавсумида болаларни дам олдиришда юзага келган гўшт маҳсулотни тақчиллигини ҳисобга олиб, «Сурхондариё» давлат хиссадорлик бирлашмаси ташаббус билан чиқди. Бирлашма ўз тасарруфидида «Чашма» болалар оромгоҳи қошида чорвачилик фермасини ташкил этишга қарор қилди. Бу ишга хиссадорлик жамиятига қараб 11та автокорхона ўз улушларини қўшишди. Улар дам олиш масканининг ёрдамчи хўжаликка қўз-кўз қилишга, ўзга шахсларнинг, яъни атропоф яшаётган одамларнинг ҳол-аҳволини инобатга олмаслик каби эскидан қолган асоратларга олиб келмаслиги керак.

ХЎЖАЛИК МАРКАЗИДАГИ ГУЗАР

Ҳамма ерда бўлгани каби Сурхондарё вилоятида ҳам ажойиб шарқона усулда гузарлар, кўркем бинолар қурилоқда. Бу борада Жаркўргон туман улгурчи чакана матлубот хиссадорлик жамиятининг олиб бораётган ишларидан ўрнак олса арзийди. Хусусан, хиссадорлик жамияти ёрдамида Н.Боймуродов номли жамоа хўжалиги марказида «Меҳнат-роҳат» гузари 70 кун мобайнида қуриб битказилди. Бугунги кунда бу ерда ўнлаб савдо дўконлари, кўплар маиший хизмат кўрсатувчилари, кичик футбол майдони, теннис мажмуаси, чойхона, деҳқон ва тижорат бозорчалари, биллардехона, сауна мунтазам ишлаб турибди.

УСТЮРТАДА ЯНГИ ШИФОХОНА

Йигирма биринчи аср бўсағасида фойдаланишга топшириладиган ва йилга 120 миллион АҚШ доллари ҳажмида халқ хўжалиги учун зарур маҳсулот тайёрлайдиган «Кўнгиротода» заводи мажмуига кирувчи 200 дан кўпроқ иншоот бирин-кетин ишга туширилмоқда. Кўни кеча Устюрт бағрида қад кўтараятган бу улкан корхонанинг беш миң кишига мўлжалланган ишчилар шахарчасида 95 ўринли болалар боғчаси очилди. «Оролсодақурилиши» бирлашмасининг қўли гул бинокорлари томонидан бунёд этилган боғчада завод курувчилари фарзандларининг соғлом ва баркамол тарбияланиши учун барча шароит муҳайё қилинган. Шунингдек, шахарчада аҳолини соғломлаштириш-профилактика маркази ҳам иш бошлади. Замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган даволаш маскани малакали шифокорлар билан таъминланди. Шу мақсадда 50 миллион сўм маблағ сарфланди. (УЗА)

ИЛҒОР ТЕРИМЧИГА – 30 МИНГ СЎМ

Кўмкўргон туманидаги «Беш қахрамон» очик турдаги хиссадорлик жамияти қасаба уюшма кўмитаси меҳнатни ташкил этиш ва рағбатлантириш юзасидан ибратли тадбирларни амалга оширяпти

Бободехқон орзқиб кутган дамлар келди. Саховатли олтин кузининг энг фойдали онларида Сурхон воҳаси миришкорлари республикада биринчилардан бўлиб пахта йиғим-теримини бошлаб юбордилар. Айни кунларда Денов туманидаги Со-бир Раҳимов номли, Муза-рободдаги «Кўнгирот», Кизилқум туманидаги Охунбобоев номли хўжа-ликларда муҳим иш зўр уюшқоқлик билан олиб борилоқда.

Кўмкўргондаги «Беш қахрамон» номли хўжалик ўз аъналарини, донгдор боғбон соҳибкорлари билан эл озғизга тушган. Омилкорлик, ташаббускорлик туфайли бу ерда сифатли, арзон хом-ашё етиштиришда қувончли натижаларга эришиб келинмоқда. Хўжалик деҳқонлари ўтган йили вилоятда биринчи бўлиб пахта топшириш режаси-

ни адо этишганди. Даромад ҳам чакки бўлмади. Фидойи деҳқон меҳнати қадрланса, топиш-тутиши жойида бўлса, ўзини амай ишлайди. Ютуқлардан руҳланган пахта усталари бу йил ҳам далаларда мўл ҳосил етиштирдилар. Биз меҳнат беллашувда қар-вонбошлик қилаётган Эргаш Нурматов бошлиқ бригадада бўлдиқ. Пахтазор оқ паркуга бурканган. Йиғим-теримда иштирок этиб мўмай даромад олиш мумкинлигига ишонч ҳосил қилган теримчилар оила аъзолари билан дур йиғиштирилмоқда. Ҳосил чўғи 1999 йил мазкур жамоа пахта йили бўлишидан далолат беради.

Равшани, мақсадга эришиш учун маданий-маиший шароитни намунали йўлга қўйиб йиғим-теримда иштирок этаётганларга қўлай шарт-шароитлар яратган тақдирдагина эришиш мумкин. Буни яхши англа-

ган хўжалик қасаба уюшма кўмитаси меҳнатни ташкил этиш ва рағбатлантириш юзасидан ибратли тадбирларни амалга оширмоқда. Хусусан ҳар беш кунда натижалар ақунланиб теримчиларнинг иш ҳақи даланинг ўзида тарқатилмоқда. Шунингдек, энг яхши курсаткича эришган теримчига йил якунига кўра 30 миң сўм пул муқофоти берилади. Ҳар ўн кунда илғор бригадаларга биттадан қўй, 10 миң сўм пул муқофоти берилаётганлиги омма ғайрат-шижоатини оширмоқда.

Дала шийпонларини айланамиз. Улар мавсумга пухта шайланган. Кўплари радио, телевизор, газета ва журналларнинг янги сонлари мавжуд. Кўчма дўкон мунтазам ишлаб турибди. Оромгоҳда ўтказилаётган маданий тадбирлар йиғим-терим иштирокчиларига руҳ ва мадад бағишламоқда. Энг муҳими, иссиқ оғвақ, чой талаб даражасида тайёрланмоқда.

Терим бошланганига ўн кундан ошди, -деди моҳир заршунос Саодат Маҳмудова. - Суръат кун сайин

ошиб бормоқда. Ўзим 160-180 килодан пахта тарапман. Сўнги беш кунда 7 миң сўмни нақд санаб олдим. Дўгонларим Гулбахор Нурматова, Наргиза Мирзаева, Саодат Мирзақобиловалар ҳам бўш келишмапти. Ҳар биримиз мавсумда 10 тонна атропофиди дур йиғиштиришга ният қилганмиз. Моддий манфаатдорлик таъминланаётганлиги туфайли қўлидан иш келадиган одам пахтазорга шайланган.

9-бригадининг 26 гектар ерида пахта етиштирилляпти. Ҳосил чўғи баланд. Шу боис уста деҳқонлар бу йил гектар ҳосилдорлигини камда 5 центнерга оширамиз, дейишмоқда. Эътиборли томони шундаки, хўжалик уйғунча асосий ҳосил уруғликка топширилди. Демак, оқ олтин асосан қўлда сарамжонланди. Бунда эрта тонгдан то кун боттунга қадар сидиқли меҳнат қилаётган хотин-қизларнинг меҳнати, катта хирмонга қўшаётган ҳиссаси алоҳида бўлляпти.

Рустам ДАВЛАТ,  
«Ишонч» муҳбири.

Менинг нафсим балодир...

Донг таратган эстрада кўшикчиси соҳибжамол Мадонна сўхбатлардан биринди: «Вақт - пул. Пул эса меникидир» деган эди. Дарҳақиқат, қандай касб билан машғул бўлишидан қатъи назар тиним нимагини билмай, елиб-юғурган одамнинг на-сибаси бутундир. Колаверса, олма пиш, оғзимга туш, дейдиган замон эмас хозир. Бирок, пул топширинг «антиқа» йўли ҳам бор экан.

Уч йилдирки, туман санитария-эпидемиология станцияси «Овқатланиш гитиенаси» бўйича санитар врачининг ёрдамчиси бўлиб ишлаётган Қахрамон Адилонинг ҳам бу масалада ўз фикри бор. Мулойимгина эшик қоқиб кириб келган йиғит ташрифдан кўзлаган мақсадини айтиб улгурмай, негадир бошига толе қуши кўнгандек беихтиёр томоқ кириб қўйди.

Уйда сомсахона очсам, девдим. Шун-

га сизлардан ружасатнома керак экан... Қахрамон жўрттага қовоғини уюди. - Сизга ўхшаб сомсахона, чучварахона очаман деб далолатнома сўраб келувчилар сон мингта. Майли, ҳужжатларингизни ташлаб кетаверинг-чи, ўйлашиб кўрармиз.

- Ия, ўйлаган билан ёғи чиқармиди, барибир бир кун очиладиган бўлган-дан кейин...

Қараса, мижоз гапга тушунадиган туюлиб, ёрдамчи саркорлик қиёфасига кирди. - Ундай бўлса, ширинкомасига уч миң сўм берасиз, - деди у қатъий. Сўнг гўё нега шундай қилаётганлигини изоҳлади. - Хали бориб кўрганамизда жойингиз санитария талабларига жавоб берадими, йўқми... Ҳўл десангиз, мен ишларингизни тезлаштиришга ёрдамлашиб юбораман.

Орадан уч кун ўтиб учрашишга келишиб, хайрлашдилар. Айтилганидек, мижоз алдамади. Қахрамон ҳам сўзида турди. Гарчанд қилаётган иши 1992 йилда қабул қилинган «Давлат санитария назорати тўғрисида»ги Қонунга зид бўлса-да, мижоз томонидан очилиши лозим бўлган сомсахона санитария-гигиена талабларига жавоб бериш-бермаслигини аниқ билмай, яъни жойида текширув ўтказмай, ўз хизмат хонасидан ташқарига чиқмаган ҳолда бир зумда қалбаки далолатнома тузиб ташлади. Бу ҳам етмагандек, ўзининг бевосита раҳбари - СЭС санитария врач К.Фулломов номидан имзо ҳам чекиб юборди. Албатта у бу мардликни «нафс му-

шуги текинга офтобга чиқмаганлиги туфайли» қилмоқда эди. Пулнинг кучини қанарки, елиб-юғуриб бир пасда вақтинчалик СЭС бош врач вазифасини бажарувчи А.Абдулқодировга ҳам қўл қўйдириб, ружасатномаи ўша заҳоти мижозга қўш қўллаб тақдим этди.

Ҳаммаси ҳамирдан қил суғургандек кетаётган эди. Аммо қил деганларни арқон эканлигини бўйнига сиртмоқ тушгандан кейингина англади. Афсуски, энди ҳар қанча тавба-тазарру қилмасин, ашёвий-далилларни жазавога тушиб ҳар қанча инкор этмасин, ўзини қўй оғзидан чўп олмаган қилб қўрсатмасин, фойдасиз эди. Ғишт қолиддан қўнган, бармоқ излари тортмага ташлаб қўйилган пулларга ўз суратини кўчириб улгурган эди.

Суд ўз хукмини чиқарди. Оилавий шароити, қарамоғида икки ёш фарзанди борлиги, муқаддам судланмаганлиги

ва байналмилалчи жанчи бўлганлигини инобатга олиб, мол-мулкни мусо-дара қилиш жазосини қўлламаслики, лозим деб топди. Лекин қамқонинг бир кун ҳам қамқоқ. У эса бир кун эмас, уч ярим йил оиласидан, бола-чақасидан, ёру-биродарларидан айри яшайчи, яна ҳам тўғривоғи, умрининг энг қайноқ лаҳзаларини кун санаб ўтказиши керак.

Беихтиёр савол туғилади: у шундай балога гирифтор бўлмаслиги мумкинми? Шубҳасиз, мумкин эди. Бирок шайтонга емиш бўлган нафс сўзига кириб номига доғ тушуриб қўйди. Немис файласуфи Г.Гейне «Қонунга бўйсунмаслигининг ўзи наҳотбахш ҳимоядан маҳрум этиш демакдир» деганда қанчалар ҳақ эди. Қахрамон эса, ўз нафсининг қурбони бўлгангина ушбу ҳақиқатни англаб етди. Афсус.

Ривоят қилишларича, бир баобру киши донишманд ҳузурига бориб, «Фарзандларимга бир умр покиза неъматлардан едирган эдим. Лекин, хайронан, кенжам бетга чопар қилди. Қайси гуноҳим учун шундай бўлди?» деб ҳасрат дафтариини ёзганда, донишманд айтган экан: «Ҳаммамиз бандамиз. Меҳмон қаҳрамон, меҳмон - изломда бўла-ми. Эҳтимолки нопок йўллар билан то-пилган пулдан дастурхон тузаб, зиёфат берган биронтасиникида ул-бул танав-қўл қилиб уйга қайтган кўннинг шу кенжанингиз суноб, тикилбизбоқ боққан бўлсангиз керак...»

Бунда олам-олам маъно бор  
Муҳаммад ЗАЙНИДДИН.

«АНТЕКС» МАҲСУЛОТ БЕРА БОШЛАДИ

Шахрихон, Асака, Олтинқул туманлари ҳудуди туташган Сегезакум қишлоғида қурилган «Антекс» хиссадорлик жамияти тўқимачилик мажмуаси маҳсулот бера бошлади. Бу ерда Италия, Германия, Швецияри сингари Европанинг ривожланган мам-

лакатларидан келтирилган замонавий ускуналар иш-латилмоқда. Мазкур даст-гоҳлар ёрдамида йилга 2700 тонна сифатли кала-ва ип тайёрлаш мумкин. Корхонанинг ишга тушири-лиши муносабати билан 350 та янги иш ўринлари яратилди. Бу ҳали ҳамма-си эмас. Мажмуанинг тўқув ва тикувчилик фабрикала-рини ишга тушириш йил охирига режалаштирилган.

Корхона тўла қувват билан ишга туширилса, газлама ва тайёр кийим-кечак ҳам ишлаб чиқарилади.

«ФИЖЖАКИ БОБУРИЙ»

Андижонлик санъаткор Абдумалик Мадраимов 1992 йили шу номда фир-ма ташкил этган эди. Бугунга келиб у ўз ўйларини билан бирга миллий муси-қа асбоблари тайёрлаб

кўл урди. Шундоқкина Ан-дижон шох бекатининг рўпарасида «Фижжаки Бобурий» нинг фирма дў-конини очди. Дўконда миллий мусиқа асбобла-рининг барча турларидан топилади. Нархлари ҳам арзон. Айниқса совга та-риқасида тайёрланиб дў-кон пештахталарига чиқ-арилган митти чолғу ас-боблар харидорнинг бўл-моқда.

Ш.НЕМАТОВ,  
«Ишонч» муҳбири.

Андижон хабарлари

Ажиниёз Қўсибой ўғли туғилган кунинг 175 йиллигига

Шу сонга хабар «ТИКО» МУБОРАК

Жорий йилнинг биринчи ярим йилигида Фикрет Норхўжаев бошичилик қилаётган «Самарқанд» шохбекати меҳнат жамоаси Тошкент вилояти шохбекатлари ўртасидаги меҳнат беллашувида I-ўринни эгаллаб «ТИКО» автомашинаси билан мукофотланди.

Жамоа бу ютуққа ўзининг касбга бўлган мухаббаты, масъулиятни чуқур хис этганини наъжасида эришди. Кунига бу ерда 3,5-4 минг йўловчига хизмат кўрсатилади.

Гарчи шохбекат қурилганига 30 йилдан ошган бўлса-да, жамоа аъзолари унинг ҳудудини ободонлаштириш, таъмирлаш борасида катта ишларни амалга оширдилар. Бу ерда 3 та йирик ошхона, 2 та газета киоскаси, ўндан зиёд бежирим савдо дўконлари фаолият кўрсатмоқда. Уларда асосан йўловчиларга биринчи навбатда зарур бўладиган маҳсулот ва буюмлар сотилмоқда.

Бу ерда ходимларни ижтимоий ҳимоялаш масаласи ҳам илҳомий ҳал этилмоқда. Ишловчиларга оилавий шароитига кўра моддий ёрдам пуллари кўрсатиб келинмоқда. Дам олиш уйлари ва санаторийларга йўланмалар берилляпти.

Хар бир эл, хар бир юртнинг шундай улуг фарзандлари бўладики, уларнинг номи шу эл, шу юртнинг фахрига айланади. Зеро, улар ўзларининг ибратли ҳаёти ва фаолияти, баркамол ижоди билан халқини дунёга танитади, унинг эзгу орзу-армонларини ифодалайди. Ажиниёз Қўсибой ўғли қорақалпоқ халқининг шундай эъзозли фарзандларидан биридир. Вазириллар Маҳкамасининг Қарорига биноан шу йил мамлакатимизда қорақалпоқ мумтоз адабиёти вакили таваллудининг 175 йиллиги кенг нишонланади.

Адибнинг юрти — Қорақалпоғистонда бу улкан маъракага тайёргарлик алоҳида кўтаринкилик билан бормоқда. Зеро, Оролбўйи, она дарё — Аму соҳилларининг кўз илғамас кенг яйловларида қадим-қадимдан ўтов тикиб, сурув-сурув кўй боқиб чорвачилик билан шугулланган, деҳқончилик қилган, ўлкадаги барча халқлар билан оға-ини, қуда-қудай бўлиб яшаган қорақалпоқлар ўзларининг шундай фарзандла-

ри билан хар қанча фахрлансалар арзийди.

Гап шундаки, Ажиниёз ўзининг бетакрор ижоди, дурдона асарлари билан халқининг ўтмишини акс эттирибгина қолмай, унинг бугуни ва келажига ҳам назар ташлай билди. Шарқ маданияти ва адабиётини, халқлар ўртасида дўстлик муносабатларини ривожлантиришга ҳамда ёш авлодни ватанпарварлик ва халқпарварлик руҳида тарбиялашга улкан ҳисса қўшди, бугунги кунда барчамиз буюк неъмат-

дан бирдек баҳраманд бўлаётган Истиклолни яқинлаштиришга хизмат қилди.

Ажиниёз Қўсибой ўғли ҳозирги Мўйноқ шаҳрида дунёга келди. Да-стлаб маҳаллий мактаб-

сияси «орага нифоқ сол-у, ҳукмрон бўлиб ол», деган мустамлакачилик ақидасига амал қилиб, бутун Туркистон ўлкаси-ни босиб олишга шай бўлиб турар, иккинчи то-мондан эса маҳаллий хо-

ган шоир ўз шеърлари-да барча кину адоват ва ўзаро жанжаллари то-тувлик билан одилона ҳал этишга даъват қил-ди. «Бўзатов» дostonида халқнинг зулм ва адо-латсизликка қарши, эрк

ўгитлари ўз бадиий ифо-дасини топган.

Шуни айтиш керакки, юбилей баҳона мустабид тузум шароитида Ажи-ниёзнинг унутилаёзган номи тикланади, унинг ижодий меросидан кенг омма баҳраманд бўлади. Шу мақсадда «Ажиниёз Қўсибой ўғлининг адабий меросини ўрганиш» мавзуида нуфузли илмий-амалий конференция ўт-казилади. Шоирнинг асарлари, сайланма шеърлари, ҳаёти ва ижо-дий фаолиятига бағиш-ланган ҳужжатли фильм яратилади, тарихий асар-лари асосида спектакл-лар саҳналаштирилади.

Эрқарвар шоир кел-гуси авлодларга мерос қолдирган дostonлари ва айтишувларида илгари сурган гоғлар мамлака-тимизда бугунги кунда амалга ошириляётган ян-гиланиш ва ўзгаришлар-

га ҳамоҳанг бўлиб, айниқса ёшларни миллий ва умумба-шарий қадриятлар руҳида тарбиялаш, уларнинг маънавий дунёсини бойитишга хизмат қилади. Юбилей муносабати билан Мўйноқ туманида барпо этиладиган «Ажиниёз боғи»да унинг ана шундай руҳда битилган шеърлари янгича оҳангда янграйди, шоир илҳосмандларининг мушоиралари ўтказилади. Шунингдек, декабр ойида Нукусда бўлиб ўтадиган улкан байрам тантаналари қорақалпоқ мумтоз адабиёти шоирига халқимизнинг ҳурмати ва эъзозии рамзи бўла-ди.

Ёқуб ИБРОҲИМОВ.

ҚОРАҚАЛПОҚ АДАБИЁТИ ФАХРИ

да ўқиди, сўнгра Хива-даги Шерғозихон мадрасасида таҳсил олди. Ўзбек, қозоқ, туркман тилиларини мукаммал эгаллаб, уларнинг адабиёти ва санъати билан ошно бўлди, «Зивар» тахаллу-си билан шеърлар ёза бошлади.

Ажиниёз мураккаб тарихий шароитда яшаб ижод қилди. Бу вақтда, бир томондан, чор Рос-

ну беклар юрт устида пайдо бўляётган даҳшат-ли хавф-хатарни бирга-ликда бар тарафга этиш учун бирлашиш ўрнига ўзаро адоватни авж ол-дириб, эрт-юртга жабр-зулмни ортирар, бу эса ҳақли равишда халқ га-забини кўзгарди.

Бундай бошбошдоқлик қандай фожали оқибат-ларга олиб келиши мум-кинлигини теран англа-

ва озодлик учун кураши-ни улуғлади.

Ажиниёзнинг «Киз Менгиш билан айтишув»и шоирни бутун Ўрта Осиё-га танитди. Ушбу ноёб асарда унинг эл-юрт раванги, раъият осойиш-талиги, эрқ адолат, ме-хр-муҳаббат, садоқат, халқпарварлик ва ватан-парварлик ҳақидаги фал-сафий мушоҳадалари ва

OLAMDA NIMA GAP

ЛОНДОН. Буюк Бри-тания Японияга БМТ Хавфсизлик кенгаши-нинг доимий аъзолари орасидан жой берили-ши ҳақидаги гоғни тў-лиқ қўллаб-қувват-лайди. Буюк Британия ташқи ишлар вазири Робин Кук Токиода япон ишбилармонлари олдида сўзларан нут-қида шуни маълум қил-ди.

У Япониянинг Косо-во муаммосини ҳал этиш ҳамда ядро куро-ли тарқалишининг ол-дини олиш борасида тутган ўрнига юксак баҳо берди.

Буюк Британияда ажал ташувчи вирус-

нинг янги авлоди аниқ-ланди. «Виза» деб ном-ланган ушбу вирусга энг кучли замонавий анти-биотиклар ҳам таъсир эта олмаяпти. Маълумотларга кўра, Глазго госпиталида икки киши мазкур вирус туфайли оламдан ўтган.

Полиция ҳалок бўлганлар билан мулоқотда бўл-ган шахсларни қидир-моқда.

Маҳаллий кузатувчи-ларнинг таъкидлашича, янги вирусларнинг ву-жудга келишини Буюк Британияда уй парран-даларини парвариш қи-лишда махсус гармон-

лар ва турли антибио-тиклардан фойдаланиш-нинг кенг тарқалгани билан изохлаш мумкин.

Д Е Х Л И. Хин-дистонда танка қарши ишлатила-диган ракета си-нондан ўтказилди.

«Наг» русумли бу янги куролни чет-дан туриб бошқа-риш мумкин. У ил-гари ишлаб чиқа-рилган «Наг»лардан қатор афзалликлари билан фарқ-ланади. Яъни, янги авлод иссиқликни «сезади» ва хар қандай об-ҳаво шароити-да 6 километргача бўл-ган масофага нишонини ура олади. Яна бир афзал-лиги шундаки, «Наг» танк-ларга фақат олди томондан

эмас, балки ёндан ва ёки юқоридан ҳам келиб те-гиши мумкин. Аксар танкларнинг эса фақат ол-ди қисми ўта мустаҳкам, ёни ва усти нисбатан бирмунча заиф бўлади.


Т О К И О. Япония ҳу-кумати Туркияда зилзи-ла натижасида бошпа-насиз қолганлар учун контейнер шаклидаги беш юзта уй жўнатади-ган бўлди. Бундай уйлар 1995 йилда Япониянинг Кобе шаҳрида юз бер-ган зилзила оқибатида уйсиз қолган аҳолига бе-рилган эди. Айни пайт-да ҳам Кобедаги зилзи-ладан азият чеккан аҳо-лининг бир қисми кон-тейнер уйларда истиқо-мат қилмоқда.

УЙКУНИНГ КЎПИ ЯХШИ

Дам олиш кунлари бир-икки соат ортиқча мириқиб ухлашга нима етсин. Кўпчилик меҳнат ҳафтасида сарф этган куч ва қудратини шу йўл билан тиклашга ҳаракат қиладилар. Аммо, Американинг Калифорния университетидеги доктор Д.Крипке бошлиқ бир гу-руҳ психологлар текши-рувлар давомида жуда қизиқарли натижаларни аниқлашга муваффақ бўлдилар. Маълум бўли-шича, ортиқча уйқуга бе-рилиш нафақат зиёнли, балки хавфли ҳам экан! Олимларнинг маълумот-ларига қараганда, уйқу-чиларнинг 7-8 соат ух-лайдиган одамларга нис-батан умрлари анча қис-қа бўлар эмиш.

Хўш, уйқуга тўймас-ликчи? 4 соатдан кам ух-лаш бўлса организмга ўта хавфли экан! Бунга далил тариқасида ўз жо-нига суиқасд қилган АҚШликларни кўпчили-ги айнан шу тоифага мансуб эканлар. Улар 8 соатдан кам, ёки умуман уйқуга тўймай юрган одамлардан иборатдир-лар. Олимлар меъри-дан жуда кам ёки кўп ух-лаш инсон руҳига салбий таъсир кўрсатиб, умр за-воли бўлиши мумкинли-ги ҳақида хулосага кел-дилар.

Аммо, текширувлар ҳали ҳам ўзининг узил-кесил якунини топгани йўқ.



АҚШ

OLAMDA NIMA GAP

Б О Н Н. Германияни-нг Зальцвоог шаҳрида энгил автомобил билан автобус тўқнашиши нати-жасида бир киши ҳа-лок бўлди ва ўн бир на-фар йўловчи жароҳат-ланди. Ҳуқуқни ҳимоя қилиш органи вакилини-нг айтишича, қандайдир сабаб билан энгил авто-мобил қарама-қарши то-мондан келаятган авто-буснинг йўлига чиқиб кетган. Автомобилни бошқаряётган аёл тўқ-нашув пайтиёқ ҳаётдан кўз юмган. Автомобил-даги қиз ва ўн нафар ав-тобус йўловчилари тур-ли даражадаги тан жа-роҳати билан шаҳар ка-салхонасига жойлашти-рилган.

Хозиргача 133 киши қурбон бўлган, жароҳатланганлар сони эса икки ярим минг-дан ошашиб кетган. Шунинг-дек, 59 киши бедарак йў-қолган.

Маҳаллий маъмурият ва-кили Чэнь Цзиминнинг айтишича, «Уэнди» сўнги юз йилда бу ерда рўй бер-ган довулларнинг энг даҳ-шатлиси экан. Ундан кў-рилган зарар 277 миллион АҚШ долларига тенг.

А Л - К У В А Й Т. Қу-вайт амираи шайх Жобир Ал-Аҳмад Ас-Сабоҳ тақли-фига биноан Иордания Қи-роли Абдулла Иккинчи бу давлатга таширф буорди. Ушбу таширф давомида давлат раҳбарлари икки томонлама алоқаларни мустаҳкамлаш ва Яқин Шарқ-даги вазият бўйича музо-кара ўтказди.

Оммавий аҳборот воси-талари тарқатган хабар-ларга кўра, илк учрашу-даёқ Абдулла Иккинчи ўза-

ро иқтисодий ва сиёсий алоқаларнинг ривожлани-шига ишонч билдирган. Шунингдек, у ўзининг бу таширфи араб мамлакат-лари ўртасидаги ўзаро му-носабатларни мустаҳкам-лаш эҳтиёжи вужудга кел-ган бир пайтда бўлиб ўтаётганини таъкидлаган.

Қ О Х И Р А. Куни кеча Миср президенти Ҳусний Муборакка нисбатан суи-қасд уюштирган киши-нинг шахси аниқланди. Полиция вакили берган маълумотларга қараган-да, Ас-Саид Хусайн Су-лаймоннинг Мисрдаги мутаассиб диндорлар ташкилотларига алоқаси йўқ. У савдо-сотик билан шугулланиб келган экан. Мисрнинг Порт-Саид шаҳрида Ҳусний Мубо-ракнинг автомобил ойнасидан қўл чиқариб омма билан саломла-шаётганидан фойдалан-ган Хусайн Сулаймон,

пичоқ билан унга ҳу-жум қилган эди. Нати-жада президентнинг кўли энгил яраланди. Жиноятчи эса ўша ер-нинг ўзида қўриқчилар томонидан отиб таш-ланди.

Ж А З О И Р. Исроил-нинг собиқ бош вазири Шимон Перес Исроил Жазоир билан хар то-монлама дўстлик муноса-батлари ўрнатишга тайёр эканини билдир-ди.

Айни пайтга қадар бу икки мамлакат Фаластин муаммоси туфайли бир-бирига қарши эди. Би-роқ, Фаластин муаммоси тобора ижобий томонга ўзгараётгани Исроил ҳу-куматининг қатор араб давлатлари билан алоқа ўрнатишга замин яра-таётти. Жумладан, Жа-зоир билан Исроил ўр-тасида ҳам қарама-қар-шилиққа сабаб бўлади-ган баҳона қолмади.

(УЗА)

ЭХТИЁЖДАН КЕЛИБ ЧИҚИБ

Истиклолимизнинг 8 йиллигини барча юртдошлари-миз катори Паркент тумани аҳолиси ҳам муносиб кутиб олди. Жумладан, Заркент қишлоғида шифобахш мине-рал сув ишлаб чиқарадиган «Заркент» қўшма корхонаси ишга тушди. Шунингдек, Чанги ва Заркент қишлоқла-рида янги мактаб бинолари фойдаланишга топширил-ди. Янги гузарлар бунёд этилди. Гўлбоғ қўрғонига қу-рилган 200 - номерли автомат телефон станцияси кўп-чиликнинг эрзуси эди. Хисарак қишлоғида иш бошла-ган шифокорлик маскани эса аҳоли саломатлигини муста-ҳкамлашга хизмат қилади. Туман ФХДЕ бўлими янги бинога кўчиб ўтди. Туман марказида эса «Хотир» ажи-бони яратилди.

А.ЙҮЛДОШЕВ

ОДАМИЙЛИК ҲАҚИДА ҲАҚИДА ҲАҚИДА

Бир кўнгул иморати, минг Макка зйрати, деб бежиз айтилмайди. Чиндан ҳам бетоаб, ногирон, ўзгалар мададига муҳтож кимсаларни қўллаб-қув-ватлаш, уларга моддий ва маънавий мадад кўрсатиш чин инсоний фазилатдир. Бозор шароити-да яшамокдамыз. Республикамыз ҳукумати, ҳу-сусан ҳурмати Президентимиз мустақилликни-нг дастлабки йиллариданок ногиронлар, етим-есирлар, уруш ва меҳнат фахрийларини мустаҳ-кам ижтимоий ҳимоялаш масаласига алоҳида эътибор қаратиб келмоқда. Жойларда бу борада ибратли тадбирлар амалга оширилмоқда.

мактубда кўрсатилган манзил томон юрдик. Рўзимамат ака ва унинг оиласи яшайдиган уй катта йўл ёқасида жойлашган. Оқар сув онда-сонда келади. Боз устига 8 сотих ер бе-

ланган. Махсус комиссия Р.Шойкуловнинг жорий йил март ойидаги ари-засини кўриб чиқиб, ик-кинчи чорақда моддий ёрдам кўрсатишни тўхта-тиш ҳамда учинчи чорақ-да бу масалага қайтиш-га қарор қилган.

Хўш, бу қанчалик тўғ-ри? Эр-хотин Шойкулов-лар жиғибирон бўлиб: «Бизга нисбатан адолат-сизлик қилишди, соғин сиғири, икки-уч нафар ойликўчи бўлган баъзи хонадонларга ҳам мадад пули ажратилди-ю, биз эса четга чиқариб қўйил-дик», - дея таъкидлашдан чарчашмасди.

Шамол бўлма-са, дарахтнинг учи қимирла-майди. Масалага ойдинлик кири-тиш мақсадида туман меҳнат бў-лими назоратчи-

ИЗТИРОБ

Бирок, гуруч курмасиз бўлмаганидек, «меники тўғри» қабилида иш юри-таётган баъзи кимсалар меҳр-шафқатни унутиб кўн-гли ўқис кишиларнинг изтироб чекишига сабаб-чи бўлишмоқда. Шу ўринда ҳаё-тий бир мисол келтирсак. Касби қишлоғида яшов-чи Рўзимамат Шойкулов ва уни-нг умрдоши Зул-фия Муродова иккинчи гуруҳ но-гирони. Таҳри-риятга минг изтиробда йўллаган мактубларида маҳалладан бериладиган моддий ёрдам пули асос-сиз равишда тўхтатилган-лиги, оқибат натижада улар оила аъзолари билан анчайин қийналиб қо-лишганини маълум қи-лишган.

Рўзимамат аканинг уч нафар вояга етмаган фар-занди бор. Уларни бо-қиб, кийинтириш учун мўлжалдаги маблаг зарур. Очиғи, баъзида на-фақа пули етмай қоляпти. Шундай кезларда ма-ҳалла мадади гоғт асқо-таётганди. Маҳалла фуқа-ролар йиғини раиси Кур-бон Ҳайитов ногиронга йил давомида, узлуксиз ёрдам пули тўлаш мумкин эмас, деган баҳонани маҳкам ушлаб олган. Му-таҳассилларнинг таъкид-лашича, Шойкуловлар хо-надони аъзолари мавжуд қонун-қондаларга кўра моддий ёрдам пули олишга тўла ҳақли. Бирок бир неча бор маҳалла мутасаддиларига муро-жатлари зое кетди. Шун-дан сўн Р.Шойкулов гоғт ранжиб қўлиқатёйда идо-рама идора юриб, нажот излашга мажбур бўлди.

Маҳалла фуқаролар йиғини раисининг зўр бериб таъкидлашича, Шойкуловлар оиласи бошқа муҳтожларга нис-батан ёмон яшамайди. Бунинг қанчалик тўғрили-гини билиш мақсадида

кор ётибди. Боиси экин экиш, ҳосил йиғиштириш учун эр-хотиннинг имко-нияти йўқ - саломатликлари кўтармайди. Фарзанд-лари эса ҳали ёш. Хонадон-даги шарт-шароит бизни чуқур уйга толдирди. На-ҳотки, баъзи одамлари-миздан меҳр-оқибат шун-чалик йироқлашаётган бўл-са. Таҳмин қилайлик, ма-ҳалладан моддий ёрдам кўрсатишининг имкони бўл-май қолди. Ногиронларни лоақал икки оғиз ширин сўз билан қўллаб-қувват-лаш, томорқасини ҳашар йўли билан обод қилиш на-хотки шунчалик қийин бўл-са. Боз устига Рўзимамат Шойкулов истиқомат қи-ляётган уй билан Ҳамроев номли мактаб орасидаги масофа нари борса 100 метрни ташкил этади. Му-тасаддилар бош-қош бў-лишса шу мактаб ўқувчи-ларининг ўзлари ёрдамга муҳтож оилани бажонидил оталиққа олишган, бемин-нат ёрдам кўрсатишган бў-ларди-ку?! Ҳамма гап ин-сонга эътиборда, оқибат-да.

Маҳалла фуқаролар йи-ғинида бўлди. Маълум бў-лишича, маҳаллада 6384 киши, бошқача қилиб айт-ганда, 1090 оила истиқомат қиларкан. Шулардан ноҷор, кам таъминланган 22 оила учун жорий йилнинг бирин-чи ярмида 261.360 сумлик моддий ёрдам кўрса-тишганилиги туман молия бўлими томонидан белги-

си К.Жумаев, Маҳалла фуқаролар йиғини коти-би Н.Соҳибов ҳамроҳли-гида баъзи ноҷор деб эътироф этилган хона-донларда бўлди.

Толиб Набиев 8-деҳ-қончилик қурилиш бош-қармасида қоравул бў-либ ишлади. Ҳовлиси-да мевали дарахтлар, сигир-бузоқлар бор. Фу-қаро М.Шоймардоннинг эса далада ишлайди-ган меҳнатга қобилиятли уч киши бор. Каттаги-на ховли-жойга эга. Ҳов-ли четидаги оғилхонада қорамол. Ўзи кўз касал-лиги бўйича иккинчи гу-руҳ нафақасини олади. Инсоф билан айтганда, бундай оилаларни Рўзи-мамат Шойкуловлар ои-ласига тенглаштириб бўлмайди. Демак, ма-ҳалла мутасаддилари камчиликни тан олиб, уларга ёрдам қўлини қўз-салар чакки бўлмасди.

Кишилар билан суҳ-батлашганимизда улар барчанинг дилидаги гапни лўнда ифодалаш-ди: мол-дунё, пул топи-ладиган нарса. Бирок, энг муҳими инсоф, диё-нат, эзгулик, одамгар-чилик. Кўнгли ўқис ки-шиларни ноҳақ изти-робга солиш гуноҳи азимдир.

Буни биз қиёқа қилган маҳалла мутасаддилари тўғри тушуниб қўйишса фойдадан ҳоли бўлмасди.

Ж.ЮСУПОВ.

ЎЗБЕКИСТОН СПОРТИ:

ЖАҲОН МАЙДОНИГА ЙЎЛ

Халқимизда «Соғлом танда - соғлом ақл» деган нақл бор. Ҳақиқатан ҳам инсон қанчалик соғлом, бақувват, кўркам ва чиниккан бўлса, табиийки, унинг фикр юритиши, маънавий дунёкараши ҳам соғлом, гўзал бўлади.

Мустақиллик шарофати АРМОНИМ ЧЕКИНДИ

ра кўпайиб бормоқда. «Юнусобод» теннис корти, «Жар» ва Талабалар шаҳарчасидаги спорт мажмуаларида, Мудофаа вазирлигининг ихтисослаштирилган спорт залида ва «Динамо» спорт иншоотида эркин кураш, юнон-рум ва аёллар кураши бўйича XIII Осиё чемпионати, Республика талабаларининг «Универсиада - 99» ўйинлари, Хотин-қизлар «Микасса» кубоги учун волейбол ҳамда теннис бўйича халқаро «Ташкент - Оупен» турнирининг ўтказилиши бунинг исботидир.

шакллантириш билан бир қаторда, айниқса, ёшларни ҳар хил диний экстремистик оқимлар гирдобидан сақлаб қолишга ва уларни ҳуқуқбузарлик, гийҳвандликдан сақлашда катта рол ўйнайди. Бинобарин, Ўзбекистон «Ёшлик» кўнгилли жисмоний тарбия ва спорт жамиятини ёки «Талабалар» спорт

Федерациясини ташкил этиш ҳақидаги масала кўп марта кўтарилган бўлса-да, жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланиш ўқув юртлирида талаб даражасида дейиш қийин. Талаба-ёшларимизнинг жаҳон ёшларининг халқаро «Универсиада» ўйинларида иштирок этмаганликлари фикримизнинг исботи. Ўқув юртлирида жисмоний тарбия дарсларининг қисқартирилгани ҳам сир эмас. Менимча, Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистонда жисмоний тарбия ва спортни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ва Ўзбекистон Республикасида жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш давлат Дастури Концепциясининг қабул қилиниши замирида ўзгача бир қўлама касб этади, албатта. Шу ўринда спортчи, педагог сифатида айрим фикрларимни билдириб ўтмоқчиман. Сирасини айтганда, қарорда кўзда тутилган тадбирларнинг амалга оширилиши, жамиятимизда соғлом турмуш тарзини

Мустақиллик нуруни сочгач, кеч бўлса-да, мен бу шарафга муяссар бўлдим. Атлантага йўлланма олиб олимпиадага устозлар қаторида бордим.

Эркин КАРИМОВ, Тошкент Давлат Аграр Университети жисмоний тарбия кафедрасининг доценти, оғир атлетика бўйича жаҳон, Европа рекордчиси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган мураббий.

Бир хўжалик намунаси

АКА-УКА ПОЛВОНЛАР

Коракўл туманидаги Эгамберди Раҳимбердиев номли жамоа хўжалигида спортга берилган эътибор таҳсинга сазовор.



Ҳа, соҳа ривожда биринчи навбатда унга етакчи раҳбар, мутахассисларнинг муносабати халқилувчи рол ўйнайди.

Абдулла ака ва у киши билан ҳамкорликда ишлаётганлар учун спорт энг сеvimли машгулот турига айланган. Раҳбарларда эътибор, лаёқат, интилиш, соҳа ривож учун жиддий қайғуриш кучли бўлса албатта мақсадга эришилади.

ЁШ ФУТБОЛЧИЛАР КАМОЛОТИ ЙЎЛИДА

Ҳозир мамлакатимизнинг барча вилоят ва Тошкент шаҳрида футболга ихтисослаштирилган махсус мактаб-интернатлар фаолият кўрсатмоқда. Уларда футболни ривожлантириш билан бирга ушбу йўналиш бўйича ёшларга чуқур билим ва кўникмалар берилмоқда.

«ЖЧ-2002» ОСИЁСИЗ ЎТАДИМИ?..

«Байкот - бу энг тўғри йўл эмас!» Халқаро Футбол Федерациясининг президенти Йозеф Блаттер 2002 йилда бўлиб ўтажак Жаҳон чемпионати финал қисмининг ўринлар тақсими борасидаги ОФК норозилигини шундай баҳолади.

ШАХМАТ АЖСОЙБОТЛАРИ

Лекин бирида Йўлбарс Арслоновичга қарши қоралар билан ўйнасам, иккинчисида Арслон Йўлбарсовичга қарши оқлар билан ўйнаб турибман.

ИЛК ГАЛАБА

19 ёшли ракетка устаси Марат Сафин илк бор АТР доирасидаги мусобақаларда голлибчини кўлга киритди.

НАЙРАНГГИ ЎТМАДИ

Жавобимни кутинг! - Салом дустим Йўлбарсович! Сизнинг 1...e7-e5 юришингиздан сўнгги жавобим - 2.kg1-f3 навбатдаги юришингизни кутаялман.



ISHONCH MUASSIS: Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ Таҳрир хайъати: Ж.Алимхўжаева, М.Одилова, Э.Воҳидов, С.Остонов, М.Расулов, Э.Ёкубов, В.Зверев (бош муҳаррир ўринбосари-«Ишонч-Доверие»), А.Алламуродов (масъул котиб-«Ишонч»), Ч.Латипов, М.Олимов, М.Содиқов, Н.Рафиқов.

ТЕЛЕФОНЛАР: Котибият 56-52-78, 136-58-45; Хатлар бўлими 56-85-43; Реклама, эълонлар бўлими 56-87-73

Маънавий: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134